Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 21 август жума

Сотувда эркин нархда
№ 167 (1948)

## БОШ МАҚСАД — ЎЗБЕКИСТОН РАВНАҚИ




Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида мамлакатимизнинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик ҳамда консуллик ваколатхоналари вакиллари учун семинар бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолияти тамойиллари ҳамда устувор йўналишлари масалаларига бағишланди. Шунингдек, унда мамлакатимиз ҳукуматининг минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида олиб бораётган ишлари ҳақида сўз борди.

20 август куни семинар иштирокчилари мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов билан учрашди. Президент мазкур тадбир ташкил этилгани эътиборга молик воқеа эканини қайд этди.

— Юртимиз мустақилликка эришганидан буён биринчи бор шундай тадбир ўтказилаётир, — деди Президент. — Ҳозир Ўзбекистон жаҳоннинг 120 давлати билан дипломатия муносабатлари ўрнатган. Чет элларда Ўзбекистоннинг элчихона, консуллик хизматлари, халқаро ташкилотларда эса ваколатхоналари фаолият кўрсатаётир. Тошкентда бўлиб ўтган анжуман эса сизларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиб олишингиз учун қулай имконият бўлди. Қолаверса, бундай тадбирлар бизга ҳам фаолиятингиздан кенгроқ хабардор бўлиш, кўпроқ ахборот олишга ёрдам беради.

Президент Ўзбекистоннинг халқаро доирадаги обрўсини янада оширишда чет эллардаги вакилларимизнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлади. Шу боисдан, ҳар бир дипломат Ўзбекистон номини юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўшиши керак. Ислом Каримов Ўзбекистоннинг чет эллардаги вакиллари фаолиятига тўхталиб, қилинаётган ишлар ҳамиша ҳам талаблар даражасида бўлмаётганини таъкидлади. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини юритишда аниқ ва фойдали таклифлар, энг аввало, давлатимизнинг хориждаги вакилларидан чиқиши керак.

— Сиз фаолият юритаётган мамлакатлар халқи, сиёсатчилари, ишбилармонлари Ўзбекистон ҳақида қандай тассаввурга эга бўлиши кўп жиҳатдан сизнинг фаолиятингизга боғлиқ. Бошқача айтганда, юртимизнинг имкониятини сиз намоён этишингиз керак. Бугун юртимизда амалга оширилаётган ишлар, юритаётган сиёсатимизнинг мазмун-моҳиятини жаҳон аҳлига ким тушунтиради?! Мана, Ўзбекистон мустақил бўлганига ҳадемай етти йил тўлади. Чет эллар билан ўзаро муносабатларимизни янада ривожлантиришга қандай муаммолар тўсқинлик қилмоқда, халқаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун нималар қилиш керак? Мана шу саволларни атрофлича ўйлаб, режани шу йўналишда тузиш керак. Олдимизга аниқ мақсад қўйиб ишлашга, ўз-ўзимизга танқидий кўз билан қарашга ўрганмоғимиз лозим. Она юртимиз — Ўзбекистоннинг буюк келажаги, равнақи йўлидаги улкан масъулиятни қалбан ҳис қилиш керак.

Ислом Каримов Ўзбекистон ташқи сиёсий ҳамда иқтисодий фаолиятининг узоқ муддатли стратегияси ҳамда концепциясига алоҳида тўхталди. Дипломатик миссия раҳбарлари олдига Ўзбекистоннинг халқаро доирадаги обрўсини янада ошириш, мамлакатда бозор ислоҳотларини жадаллаштиришга ҳар томонлама ҳисса қўшиш, республикага чет эл сармоясини кўпроқ жалб этиш билан боғлиқ аниқ вазифалар қўйилди.

Учрашувда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Файзуллаев, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА: учрашув пайти.**
**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

## ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Сирдарё вилоятида аҳоли саломатлигини яхшилаш, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Жумладан, ўтган йили вилоятда 15 та қишлоқ врачлик пункти очилган эди. Бу йил эса 16 та шундай шифо маскани қуриб битказилади.

Мамлакат мустақиллигининг етти йиллиги арафасида гулистонликларга ажойиб байрам совғалари тайёрланди: шаҳарнинг Охунбобоев маҳалласида янги врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Салкам уч минг аҳолига хизмат кўрсатадиган бу замонавий шифо масканида болалар хонаси, аёллар қабулхонаси, физиотерапия, техник-анализ ва ташҳис қўйиш бўлимлари мавжуд. Шаҳардаги тиббиёт коллежи эса янги бинога кўчиб ўтди. Бу ерда 1200 нафар талабанинг таълим олиши учун барча шароит яратилган.

Шу муносабат билан бу ерда йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Ғуломова сўзга чиқди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ў. Исмоилов қатнашди.

**Фарҳод НОРМАТОВ, ЎзА мухбири.**

## ВИЛОЯТЛАР КЕНГАШИ СЕССИЯЛАРИДА

### БУХОРО

Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда Бухоро шаҳар ҳокимлиги вилоят ҳокимлигининг оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар дастурини қандай бажараётгани ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Сессияда таъкидланганидек, оила манфаатларини таъминлаш, оилавий муносабатларнинг қонуний асосларини такомиллаштириш, оилани ижтимоий муҳофазалаш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, маҳаллалар томонидан эҳтиёжманд оилаларга 18 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилган. Бу хайрли ишдан корхона, ташкилот ва жамғармалар ҳам четда қолмаётир. Шу билан бирга, жойларда оиланинг маънавий, ахлоқий асосларини такомиллаштиришга етарли эътибор берилмаётир. Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, иш билан бандлик даражасини ошириш борасида ҳали кўп иш қилиниши зарур.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолигига номзод кўрсатилди.

Сессияда вилоят ҳокими С. Ҳусенов сўзга чиқди.

**Илҳом САФАР.**

### ЖИЗЗАХ

Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари вилоят кенгаши Мандат комиссиясининг бўшаб қолган ўринларга ўтказилган сайлов натижалари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси аъзолигига номзод кўрсатилди.

Сессияда вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

**Йўлчи ЖЎРА.**

### НАВОИЙ

Навоийда халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолигига номзод кўрсатиш тўғрисида"ги масала кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича вилоят ҳокими Ҳ. Ғаффоров сўзга чиқди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолигига номзод кўрсатилди.

**Ёрқул УМАР.**

### СУРХОНДАРЁ

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Термизга ташрифи чоғида шаҳарни янада ободонлаштириш ва кўркамлаштириш, янги бинолар, маданий-маиший муассасалар қуриш бўйича берган йўл-йўриқ ва кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифалар ва мустақиллик байрамига тайёргарлик масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолигига номзод кўрсатилди.

Сессияда вилоят ҳокими Ж. Нoралиев сўзга чиқди.

**Чори ТЎХТАЕВ. ЎзА мухбирлари.**

**Олий Мажлис сессияси олдидан**

## ДАВР ТАҚОЗОСИ

***Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси кун тартибига «Уй-жой кодекси» лойиҳаси ҳам киритилган. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги қўмитаси котиби Талъат Усмонов мухбиримизга ушбу қонун лойиҳасининг устувор хусусиятлари ҳақида сўзлаб берди.***

— Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиши билан давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш бошланди. Натижада уй-жойга нисбатан хусусий мулкчилик пайдо бўлди. Бу ўз навбатида уй-жойлар қуриш, таъмирлаш, уларни эксплуатация қилиш, сақлаш борасида қатор ҳал этилмаган муаммоларни юзага келтирди. Пировардида янги «Уй-жой кодекси»ни қабул қилиш масаласи кўндаланг бўлди.

Турли вазирлик ва идораларнинг мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Уни тайёрлашда хориж тажрибалари ҳам эътиборга олинди. Олинган хулосалар, таклиф-мулоҳазаларнинг мақбулларидан фойдаланиб, «Уй-жой кодекси»нинг ҳозирги маромига етказилган лойиҳаси тайёрланди. Ва у бир неча марта ишчи гуруҳининг йиғилишларида муҳокама қилинди.

Янги «Уй-жой кодекси» лойиҳасининг асосий вазифаси нимадан иборат деган савол туғилиши табиий. Бу ҳужжат фуқароларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини, уй-жой фондидан лозим даражада фойдаланилиши ва сақланишини таъминлаш мақсадида уй-жойларга доир муносабатларни тартибга солади ва шу соҳада қонунийликни янада мустаҳкамлайди.

Янги «Уй-жой кодекси» лойиҳасининг афзаллиги шундаки, у қатор эркинлик ва имтиёзлар яратади. Унга кўра ҳар бир фуқаро хоҳлаган еридан чекланмаган миқдорда уй сотиб олиши мумкин. Кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчилар илгари уйимни давлат таъмирлаб беради деб, йиллаб навбатга туришган бўлса, уйлар хусусийлаштирилгандан сўнг уй соҳиби бу ишни бирор ташкилотга шартнома асосида бажартириши ёки ўзи қилишга имконият яратилади.

Бундан ташқари «Уй-жой кодекси» лойиҳасида фуқароларнинг уй-жой шароитларини яхшилай олиш ҳуқуқлари, умумий фойдаланишдаги объектларга умумий мулкчилик ҳуқуқи, уй эгалари, ижарага олувчилар ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари, давлат ва хусусий уй-жой фондининг таъминоти ва сақланишини яхшилаш, уй-жой биноларидан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш, аҳолининг кам таъминланган қатламини уй-жой билан таъминлаш, эски ва авария ҳолатидаги уй-жойларни тугатиш, шунингдек бозор муносабатлари шароитида фуқароларни уй-жой билан таъминлаш кафолатлари акс эттирилган.

Бизлар янгиланиш замонида яшаяпмиз. Давр тақозаси билан рўй бераётган ҳар бир ўзгариш ўзининг ҳуқуқий асосига эга бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан қараганда навбатдаги сессияда муҳокама қилинадиган «Уй-жой кодекси» лойиҳасини ҳам давр эҳтиёжи деб баҳоламоқ лозим.

Ўйлаймизки, ушбу кодекс лойиҳаси ҳам мамлакатимизда қонунчиликни мустаҳкамлашда, фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилашда зарур ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

**«Халқ сўзи» мухбири Исматулла ТОШЕВ ёзиб олди.**

«Гидролойиҳа» ҳиссадорлик жамияти мутахассислари Ўзбекистонда истиқболли кичик ГЭСлар қуриш дастурини ишлаб чиқишган эди.

## КИЧИК ГЭС ҚУРИЛАДИГАН БЎЛДИ

Айни кунларда улар Қишлоқ ва сув хўжалиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирликлари мутахассислари билан ҳамкорликда ана шу дастурни амалга оширишга киришдилар. Сариосиё тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Тўпаланг дарёси ўзанига 175 минг киловаттли илк ГЭС қурилишини бошлаб юборишди.

Чирчиқ дарёсининг Пискем ирмоғида ҳам 70 минг киловаттли гидроэлектр станцияси қурилишига тайёргарлик кўрилаяпти.

**Ўз мухбиримиз.**

**КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ:**

## XXI АСРНИ КЎЗЛАБ...

***Мустақил ривожланишимизнинг ўтган етти йиллик йўлига сарҳисоб кўзи билан қарайдиган бўлсак, бу даврда эришган ютуқ ва ғалабаларимизнинг мазмун-моҳияти кишида, ҳақли равишда чуқур фахрланиш-ғурурланиш ҳис-туйғуларини уйғотади.***

Биз наинки ўз республикамизда, балки кенг дунёда эътироф этилаётган улкан ютуқларимизни бир-бир санаб ўтиришдан ўзимизни тийиб, шу ўзгаришлар ва ютуқлар орасида ўзининг тарихий салмоғи ва мамлакатимиз истиқболи учун улкан аҳамияти билан алоҳида ажралиб турадиган битта катта янгилик — Кадрлар тайёрлаш борасида ишлаб чиқилган миллий моделимиз тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг концептуал ғоялари, шахсий ташаббуслари ва бевосита раҳнамоликларида ишлаб чиқилган, дунёдаги давлатларда мавжуд таълим тизимини ривожлантириш моделлари орасида ўзининг илмийлиги, катта ҳаётий куч ва потенциал имкониятларга эгалиги, мазмунига кўра эса, оламшумул ибрати билан ажралиб турадиган Ўзбекистоннинг Кадрлар тайёрлаш миллий модели мустақил давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида том маънодаги улкан воқеадир.

Хўш, Кадрлар тайёрлаш бўйича Ўзбекистон миллий моделининг моҳияти нимада? Мустақил Ватанимизнинг ҳозирги маънавий ҳаётида бундай модел қандай туғилди?




Энди шу тўғрида бир оз тўхталайлик.

Йўлбошчимиз «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида мустақил юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдири авваламбор кадрларни тайёрлаш муаммолари билан узвий боғлиқлигини алоҳида таъкидладилар. Дарҳақиқат, мамлакатимиз тараққиёти олдида турган турли вазифаларга бундай бир назар ташласак, бу таъкиднинг ғоятда чуқур моҳияти яхши англанади. Биз янги, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш мақсадидамиз. Янги фуқаролик жамиятида яшашни орзу қилаяпмиз. Мамлакат иқтисодиёти тамомила янги асосда, яъни бозор иқтисодиёти қонунлари манбаида ривожланишга ўтмоқда. Мана шу кетма-кет келаётган «янги»ларнинг барчасини амалга ошириш учун, табиий равишда, инсонда ҳам янги онг, янги тафаккур, янги дунёқараш бўлмоғи керак. Буларнинг ҳаммаси, фақатгина таълим ва тарбия орқали амалга ошади.

(Давоми 3-бетда).

**ЮРТИМИЗНИНГ БИР КУНИ**



### НАВОИЙДА ТРОЛЛЕЙБУС ЮРАДИ

*Ҳозир Навоий шаҳрида 25 километр масофага мўлжалланган йўналишда иш қизғин. 112 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Жумладан, автосарой, троллейбус депоси, маъмурий бино, электр токини тақсимловчи подстанция қурилиши ниҳоясига етди.*

*Троллейбус қатнови йўлга қўйилгач, қўшни туманлардан Навоийдаги корхоналарга қатнаб ишловчи 20 мингдан зиёд йўловчининг мушкули осонлашади.*

### «КОМПРЕССОР»НИНГ ЯНГИ КОМПРЕССОРИ

*Корхона чиқараётган маҳсулот довруғи қўшни давлатларга етиб борганига анча бўлди. Яқинда бу ерда 16 атмосферагача бўлган қувватли янги компрессор яратилди ва синовдан яхши ўтди.*

*У полиэтилен плёнкалари чиқарадиган корхоналарга ҳаводек зарур. Шу боис, қатор, жумладан, мамлакатимизда ишлаб турган қўшма корхоналар ҳам «Компрессор» ҳиссадорлик жамиятининг янги маҳсулотига буюртма беришди. Корхона шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб ушбу компрессорни кўплаб ишлаб чиқара бошлайди.*

### «УСТО»НИНГ ЧЕВАРЛАРИ

*Самарқандда зардўзлик кийимлари тикадиган устахона иш бошлади. Бухоролик Дилбар Акромова устозлик қилаётган «Усто» бирлашмасининг ўндан зиёд чеварлари зардўз халатлар, камзуллар, белбоғлар, дўппилар, тўйю байрамларда кийиладиган гулдор оёқ кийимлари тикишни ўрганиб олдилар.*

**Хабарларни «Халқ сўзи» мухбири Т. ИРИСМЕТОВ тайёрлади.**

**ДИҚҚАТ, ТАЖРИБА**

## «УСТИКС»НИ БИЛАСИЗМИ?



*Бугун мамлакатимиз далаларида гуркираб ўсаётган, ҳосил шохлари боғлаётган ва баъзи жойларда лўппи-лўппи нишона бераётган ғўзаларга боқиб кўзинг яйрайди. Чигит икки қулоқ бўлганидан тортиб ҳосилини кўз-кўз қилаётган бугунги кунга қадар бўлган давр оралиғида қанчалик меҳнат қилинганлиги, пешона тери тўкилганлиги фақат деҳқонгагина аён, десак янглишамиз. Негаки бу жараёнда нафақат деҳқон, балки бошқа соҳа кишилари ҳам фаол қатнашдилар, пахтакорга кўмакка келдилар, улар билан бақамти туриб меҳнат қилишди. Жумладан, ғўза агротехникаси даврида агрокимё ходимлари ҳам астойдил ишлашди. Улар етказиб беришган ўғитлар ерга дармон бўлди, ҳосил баракасини оширди. Бундан ташқари айни вақтда ҳам, яъни ҳосил тақдири ҳал бўладиган шу кунларда ҳам уларнинг қўли қўлига тегмайди. Яъни, улар ҳозир ғўзаларни сунъий чилпиш билан машғул. Айниқса, агрокимё ходимлари бу йил «Устикс» деб номланган эритмадан самарали фойдаланишмоқда. Мухбиримиз яқинда Сирдарёда бўлиб, вилоят «Ўзагрокимётаъминот» давлат ҳиссадорлик жамияти раиси Абдураҳмон Абсаломов билан учрашди, янги эритманинг афзалликлари хусусида сўради.*

— «Устикс» пестициди муҳим агротехник элемент бўлиб, пахтани кимёвий усулда чеканка қилишда ва ҳосилдорликни оширишда ишлатилади, — дейди жамият раиси. — Биз илгари бу эритмани Германиядан олиб келардик ва табиийки, сарф-харажатлари ҳам ошиб турарди. Бу йил эса «Устикс»ни Навоийдан келтираяпмиз. Навоийдаги «Электрохимзавод» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган бу пестицид Германияникидан мутлақо қолишмайди. Биз бу йил 150 тонна эритма олгандик. Ҳозир 120 тоннаси ғўзаларни сунъий чилпишда ишлатилди. Яқинда вилоятимизга ташриф буюрган қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлари ҳам бу ишимиздан миннатдор бўлди.

**— Ғўзани қўлда чилпиш билан «Устикс»да ишлов бериш орасида қандай фарқ бор?**

— Маълумки, ғўзанинг бўйи 80 см. бўлмагунча қўлда чилпиш мумкин эмас. Қолаверса, қўлда фақат ғўза устидаги шоналар чилпинади, ён шохлари эса аксарият ҳолларда қолиб кетади. «Устикс» эса аломат эритма бўлиб чиқди. Бу модда ғўза ёппасига гуллаганда суғоришдан бир ҳафта муқаддам сепилади. 5 кун мобайнида у ўз кучини кўрсатади. Кейинги физиологик жараён ҳосил шохларида давом этади. Яъни, ўсиш нуқтаси ёнидан 2-3 тадан ҳосил шохлари пайдо бўлади ва бу кўрак кўпайишига олиб келади. Ғўза кучли ғовлаб кетган жойларга 2-3 ҳафта ўтказилиб, эритма қайтадан сепилиши мумкин.

**— «Устикс»нинг ишлов жараёни қандай бўлади?**

— Препарат ерда ва ҳаво орқали пуркалиши мумкин. Биз фақат «ОВХ»лардан фойдаландик. Шу туфайли гектарига 200-300 литр эритма ишлатилди. Албатта, бу модда пуркалгандан сўнг 3-5 кун мобайнида майдонга кириши таъқиқланади. Бироқ мутахассисларнинг фикрига кўра, балиқ ва асалариларга эритма таъсир қилмас экан.

**— Демак, пахтакор учун яна бир дастёр топилибди-да.**

— Дастёр бўлганда қандоқ! Ғўзани қўлда чилпиш учун қанчалаб меҳнат сарф қилинар эди. Буни албатта, қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислари тўла ҳисоб-китоб қилиб чиқишган бўлишлари керак. Аммо шундоқ ҳам кўриниб турибдики, унинг ҳосил салмоғини ва сифатини оширишдаги афзалликлари бисёр. Айтишларича, водийда Хитойдан келтирилган «Сажжен» препарати ишлатилган ва у ғўзаларни куйдириб юборган. «Устикс» эса ғўзаларимиз билан эл бўлиб кетди, аниқроғи, ғўзанинг «тили»ни тушунди.

Дарҳақиқат, раис буванинг таъбири билан айтганда, ғўзанинг «тили»ни тушуниш деҳқоннинг кўнглига йўл топиш демакдир. Агрокимё ходимлари билан сирдарёлик пахтакорларнинг бу ҳамкорлиги ҳам мамлакатимизда истиқлол туфайли амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарали кечаётганлигидан далолатдир.

**Э. БОЛИЕВ суҳбатлашди.**

